

ИҚТИСОДИЙ ҶСИШ ВА УНГА ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ ОМИЛЛАР



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-6-696-709>

Отабоев Ферузбек Ойбек ўғли

Тошкент Давлат иқтисодий университетини, докторанти

Email: ba4elor2011@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мақолада иқтисодий ўсишнинг мазмуни, мақсади ва унга таъсир қилувчи омилларни тушунишнинг зарурлиги, ижобий жихатлари ва янги шартлари, Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ўсишни таъминлашда давлат ижтимоий-иқтисодий ислохотлари тизимидаги туб ўзгаришларнинг назарий асослари ва сабаблари, уларнинг омиллари кўриб чиқилган.

***Таянч иборалар:** иқтисодий ўсиш назариялари, ЯИМ, кичик бизнес ва тадбиркорлик, ўсиш суръатлари, иқтисодий ўсиш, иқтисодий ривожланиш, иқтисодий ўсиш назариялари, иқтисодий ўсиш турлари, иқтисодий мутаносиблик, ишлаб чиқариш омиллари, иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари, инфляция, бюджет, саноат, хизмат кўрсатиш.*

ECONOMIC GROWTH AND FACTORS INFLUENCING IT

Otaboev Feruzbek Oybek ugli

*PhD Researcher,

Tashkent State University of Economics,

Email: ba4elor2011@gmail.com

ABSTRACT

The article considers the need to understand the content, purpose and factors influencing economic growth, its positive aspects and new conditions, the theoretical foundations and causes of radical changes in the system of socio-economic reforms in the Republic of Uzbekistan to ensure economic growth.

***Keywords:** economic growth theories, GDP, small business and entrepreneurship, growth rates, economic growth, economic development, economic growth theories, types of economic growth, economic balance, factors of production, economic growth indicators, inflation, budget, industry, services.*

КИРИШ

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси¹да макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш мамлакат иқтисодиётини ўрта муддатли даврда барқарор ривожлантиришнинг зарурий шарти эканлиги белгилаб қўйилган.

Иқтисодий ўсиш муаммолари жамият тараққиётининг ўта аҳамиятли ва шусабабли иқтисодиёт илмининг энг долзарб ва ҳақли равишда кўптадқиқотчиларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб этаётган биринчи даражали муаммолардан бири ҳисобланади.

Иқтисодиёт назариясига кўра, ҳозирги кунда иқтисодий ўсиш моделлари уч асосий гуруҳга ажратилади: кейнсча ва некейнсча иқтисодий ўсиш моделлари, неоклассик иқтисодий ўсиш моделлари, ҳозирги замонавий иқтисодий ўсиш моделлари².

Иқтисодий ўсиш замиридаги замонавий иқтисодий назарияда одатда табиий аҳамиятга эга бўлган ишлаб чиқариш ҳажмининг реал кўпайиб кетиши ва қисқа муддатли равнақи эмас, балки узоқ муддатли вақт оралиғидаги ишлаб чиқарувчикучлар ривожланишига боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш реал ҳажми табиий даражасининг узоқ муддатли ўсиши тушунилади.

Иқтисодий ўсишнинг ҳозирги тури XVIII асрнинг ярмида Англияда саноат революцияси натижасида аниқланган. Бу даврда аҳолининг реал даромадлари деярли 10 бараварга ошган, ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич янада юқори бўлган. XX аср бошларига қадар иқтисодий ўсиш ҳақидаги маълумотлар тўлиқ мавжуд эмас эди.

Иқтисодий ўсиш назариясининг асосчиси XX аср бошларида фаолият юритган иқтисодчи олим Й.Шумпеттер ҳисобланади. Шунингдек, иқтисодий ўсиш назариясига Саймон Кузнец, Фернан Бродель, Теодор Шульц, Гери Беккер, Майкл Портер, Николай Кондратьев ва бошқалар ўз ҳиссаларини қўшган. Иқтисодчи олим Ангус Медисон реал ЯИМ ва иқтисодий ўсиш суръатларини баҳолаш соҳасида кўплаб тадқиқотлар олиб борган³.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ4947-сонли «Ўзбекистон Республикасиниянада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонида илова//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766). – 33-б.

² Хажиев, Б., Юсупов, Р., Шарипов, Қ., & Otaboev, F. (2020). GLOBAL IQTISODIY RIVOJLANISH. Архив научных исследований, 1(10). 2020 йил.
https://scholar.google.com/scholar?cluster=7646407432718170493&hl=ru&as_sdt=2005&scioldt=0,5.

³ Джамалов Х.Н. К вопросу методов оценки финансовой устойчивости малого бизнеса и её факторов//Ученый XXI века . 2020. № 3-2 (62), с.50-59.

Иқтисодий ўсиш, ўз навбатида, инсониятнинг туб манфаатларини рўёбга чиқаришга, аҳоли турмуш даражаси, сифати ва фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади, унинг иқтисодий базиси ҳисобланади. Бугунги кунда махсус иқтисодий адабиётларда ва кундалик матбуотда иқтисодий тараққиёт (ривожланиш) ва иқтисодий ўсиш тушунчаларини бир хил тушунчалар деб қараш юзасидан турлича фикрлар билдирган. Муаллифларнинг бир гуруҳи мазкур тушунчаларни синоним тушунчалар сифатида талқин қилмоқдалар⁴.

Муаллифларнинг бошқа бир гуруҳи эса бунинг бутунлай аксини қўллаб фикр билдиришган⁵.

Айрим иқтисодчилар юқоридаги икки қарашдан ҳам фарқли муносабатларини изоҳлашмоқда. Масалан, А.Е.Кисова ва Т.Д. Ромащенколар фикрича, иқтисодий тараққиёт иқтисодий ўсишнинг ўзига хос тури ҳисобланади: “ўз моҳиятига кўра ижтимоий-иқтисодий ривожланиш – шундай иқтисодий ўсишдирки, у инсон ўзининг, унинг имкониятининг ривожланишини таъминлайди”⁶.

Бунда кўпчилик муаллифлар иқтисодий ўсишни “ижтимоий-иқтисодий тизим гуллаб-яшнаши учун зарур моддий асосни яратишнинг бош мақсади ва мезони сифатида” тадқиқ этиш зарурлигини яқдил қўллаб-қувватламоқдалар⁷.

Бошқа томондан эса, айрим тадқиқотчилар “иқтисодий ўсиш айрим ижтимоий муаммоларни ҳал эта олмаслиги”ни таъкидлашмоқда⁸.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти тараққиётининг ҳозирги шароитида барқарор иқтисодий ўсишга эришишнинг муҳим шарти сифатида иқтисодий ўсишни нафақат миқдор жиҳатдан, балки сифат жиҳатидан ҳам таъминланишининг омиллари самарали тизимини шакллантириш майдонга

⁴ Sten Thore, Ruzanna Tarverdyan, Measuring Sustainable Development Goals Performance, 2022 year may, Pages 5-22. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/B9780323902687000025>. Otaboev F.O. A study on capital investments and economic growth of Uzbekistan // Asian Journal of Research in Business Economics and Management. ISSN: 2249-7307 Vol. 12, Issue 5, May 2022, pages 42-48. DOI: 10.5958/2249-7307.2022.00052.4. Мануэль Альмодовар-Гонсалес, Антонио Фернандес-Портильо, Хуан Карлос Диас-Касеро Предпринимательская деятельность и экономический рост. Многограновой анализ // Европейское исследование по менеджменту и экономике бизнеса №26 (2020) с. 9–17 (<http://creativecommons.org/licenses/by-nc-nd/4.0/>).

⁵ Некипелов А.Д. Фискальный выбор экономической стратегии //Свободная мысль-XXI. 2018. №9.с.56-69; Плеханова А. Ф., Иванов А. А., Иванова Н. Д., Колесов К. И. Стратегические бизнес-процессы / Современные проблемы науки и образования. 2014. № 3. С. 349-355; Валиев Б. “Иқтисодий ўсиш назариясининг концептуал ёндашувлари. Biznes-Эксперт, 2014 йил № 1-сон, 18-б.

⁶ Кисова А. Е., Ромащенко Т. Д. Концептуальная модель гуманизации экономического роста / Социально-экономические явления и процессы. 2011. № 5-6 (27-28). С. 110-115.

⁷ Лоскутова М. В. Процесс глобализации как детерминанта экономического роста национального хозяйства /Социально-экономические явления и процессы. 2012. № 12 (46). С. 185-193; Горюнова Н. Н. Экономический рост как фактор экономического развития / Теория и практика общественного развития. 2013. № 7. С. 183-185.

⁸ Некипелов А.Д. Фискальный выбор экономической стратегии //Свободная мысль-XXI. 2018. №9.с.56-69.

чиқади. Бундай тизимни аниқлашда жаҳон иқтисодиёти тараққиётининг назарий асослари ва умумий қонуниятлари билан бир қаторда, миллий иқтисодиётнинг ҳозирги ривожланиш ҳолати хусусиятларини, иқтисодий ўсиш имкониятлари ва чекловларини ҳисобга олувчи ўзига хос хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодий ўсишнинг омилларини аниқлаш унинг мазмуни ва табиатини тўлиқ очиқ бериш орқали таъминланади. Иқтисодий ўсишнинг мазмунига ёндошувларнинг таҳлили кўрсатишича, уни тушуниш ва талқин этишга ягона ёндошув йўқ. Умумий тарзда, иқтисодий ўсиш моҳиятини аниқлашда уч хил йўналишдаги қарашларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

- иқтисодий ўсиш ва иқтисодий ривожланиш тушунчалари ўзаро нисбати орқали;
- иқтисодий ўсишнинг миқдорий ва сифат жиҳатдан аниқланиши (ифодаси) орқали;
- иқтисодий ўсишни давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг ажралмас қисми сифатида қараш орқали.

“Иқтисодий ўсиш” ва “иқтисодий ривожланиш” тушунчаларини қўллашнинг кўлами ва ҳолатларидан қатъий-назар уларни аниқлаш ва улар ўзаро боғлиқлигини ифодалашга умумий илмий мушоҳада этиш кузатилмаган. Тадқиқотчиларнинг бир гуруҳи⁹ мазкур тушунчаларни бирдай мазмунни ифода этишини таъкидлаб, уларни синоним тушунчалар сифатида талқин этишса, уларнинг бошқалари¹⁰ мазкур тушунчаларни мустақил иқтисодий категориялар сифатида қараб уларни турли мазмунга эга деб ҳисоблайдилар. Бизнинг фикримизча, иқтисодий ўсиш ва иқтисодий ривожланиш бир-бирини тақозо этувчи ва тўлдирувчи тушунчалардир: иқтисодий ўсиш миллий иқтисодиётнинг амал қилиши ва унинг таркиби сифат ўзгаришларига олиб келувчи “сезиларли таркибий куч” бўлиши, яъни ривожланишда сакрашга асос бўлиши мумкин. Иқтисодий ривожланиш, ўз навбатида “маълум чекловларни олиб ташлаш орқали” иқтисодий ўсиш суръатларини кучайтириши мумкин.


⁹ Масалан, Батраков А.А. Стимулирование экономического роста на основе бюджетно-налогового регулирования. Авт. дис. на соиск. уч. степ. к.э.н М.:2010.с.12.

¹⁰ Мурадян О.В. Влияние государственной бюджетно-налоговой политики на экономический рост страны в условиях переходной экономики. Авт. дис. на соиск. уч. степ. к.э.н М.:2013.с.7.

Иқтисодий ўсиш тушунчасининг иқтисодий мазмунини аниқлашга ёндошувларда ҳам ягоналик йўқ. Айрим иқтисодчилар¹¹ “иқтисодий ўсиш”ни микдорий тартибдаги категория деб ҳисобласалар, бошқалари¹² эса уни нафақат микдорий, балки шу билан бирга сифат жиҳатидан ҳам аниқлаштириш лозимлигини таъкидлашади.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР:

Иқтисодий ўсишнинг мазмуни, вазифалари ва омиллари тизимини иқтисодий системология қоидалари асосида ўрганиш уни бир вақтнинг ўзида 3D форматдаги муносабат мажмуи сифатида қарашни талаб этади¹³ (1- расм).



1-расм. Иқтисодий ўсишнинг мазмуни ва унга таъсир этувчи омиллар

¹¹ Отабоев Ф.О. Механизм улучшения баланса между экономическим ростом и капитальными ресурсами. Хоразм Маъмур академияси ахборотномаси: илмий журнал.-№4-1 (88), 2022 й. – 237-239 б. <http://mamun.uz/uz/page/56>.

¹² Калинина И.Л. Формирование и реализация эффективной фискальной политики, стимулирующей экономический рост. Авт. дис. на соиск. уч. степ. к.э.н. М.: 2005. с.15.

¹³ Алляров С.Р. Systemal understanding the insight, tasks and factors of economic growth, Journal of Management Value & Ethics (A quarterly Publication of GMA), Oct.-Dec. 20 Vol. 10, No.04, pp 56-65, SJIF 7.201 & GIF 0.626, ISSN-2249-9512

“Иқтисодий ўсиш” тушунчасининг мазмунини тизимли тарздатушунишнинг қуйидаги жиҳатларини ажратиб кўрсатиш лозим:

а) *иқтисодий ўсиш мақсадлари*. Иқтисодий ўсиш жараёни таҳлилининг вақт доирасидаги чекланганлигидан келиб чиқиб, иқтисодий ўсиш мақсадининг иккидаражасини фарқлаш зарур: асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгариши ва аҳоли турмуш даражасининг ўзгариши. Иқтисодий ўсиш узок муддатли мақсади амалга оширилишининг муҳим шарти сифатида иқтисодиётнинг барча субъектларининг яхлит тарздаги ривожланиши, улар ҳар бири томонидан маълум стратегик мақсадларга эришишнинг таъминланиши майдонга чиқади;

б) *иқтисодий ўсиш тури*. Ишлаб чиқариш омилларининг мутаносиблиги ва ўзаро ҳаракати иқтисодий ўсишнинг экстенсив ва интенсив турларини белгилайди;

в) *иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари* (ўсиш статистикаси). Иқтисодий ўсиш жараёни миқдорий ва сифат кўрсаткичлари орқали хусусиятланади. Иқтисодий ўсишнинг миқдорий кўрсаткичларига ялпи ички маҳсулот ЯИМ (ЯММ) ўсиш суръати, жон бошига тўғри келувчи ЯИМ (ЯММ)нинг ўсиш суръати, иқтисодиёт тармоқлари бўйича ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари, иқтисодий самарадорлик (меҳнат унумдорлиги) кўрсаткичлари ва бошқалар. Ўсишнинг яқунлари турмуш даражаси ва сифати кўрсаткичларига таъсир кўрсатади;

г) *иқтисодий ўсиш самарадорлиги*. Фақат ишлаб чиқариш самарадорлиги ўсишига ва унинг ҳажми ошишига асосланган иқтисодий ўсишгина жамиятнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларининг қондирилишини таъминлайди;

д) *иқтисодий ўсиш зиддиятлари*. ЯИМнинг абсолют ва нисбий кўрсаткичларда ўсиши ҳали турмуш даражаси ва сифатининг яхшиланишига олиб келавермайди ва бунга иқтисодий ўсиш зиддиятлари тўсқинлик қилади: экологик зиддият (атроф муҳитнинг ифлосланиши, табиий ресурсларнинг камайиб бориши) ва ижтимоий муаммоларнинг кескинлашуви (даромадлар тақсимотидаги нотенглик, меҳнатнинг ўта интенсивлашуви ва ҳ.к.);

е) *иқтисодий ўсиш омиллари тизими*. Бизнинг фикримизча, иқтисодий ўсишомилларига иқтисодий ўсишнинг хусусияти, жиҳатлари, тур(тип)лари ва динамикасини аниқловчи сабаб-оқибат ҳодисалари, зарур шароитлар киради. Иқтисодий ўсиш омиллари ўзаро боғлиқдир, маълум маънода бир-бири билан келишган ҳолда амал қилади. Мазкур ҳолатлар иқтисодий ўсиш омиллари

мажмуи маълум даражадаги ташкилий тизимдан иборат эканлигини, унинг элементлари ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо этувчи боғлиқликда фаолият юритадилар.

Тадқиқ этилаётган иқтисодий ўсиш омиллари тизими турли усуллар ёрдамида туркумланиши мумкин. У ёки бу омиллар боғлиқлиги ва муносабатлари хусусиятига кўра тизим элементлари турлича бўлиши мумкинки, бу нарса тизимнинг кўп ўлчамлилигини назарда тутди. Бундай *мезонлар* сифатида иқтисодий ўсишнинг у ёки бу таснифий белгилари майдонга чиқиши мумкин. Иқтисодий ўсиш омилларини турли таснифий белгиларига қараб таснифлаш уларнинг табиати, моҳияти ва фарқ қилувчи хусусиятларини янада тўлароқ ўрганишга имкон беради. Иқтисодий ўсиш омилларини туркумлашнинг бирмунча кенг тарқалган таснифи қуйидагича: тўғри ва эгри, экстенсив ваинтенсив; бошқариладиган ва бошқарилмайдиган; бозор, давлат ва ички ишлаб чиқариш; иқтисодий ва ноиқтисодий; алмашинадиган ва тўлдирувчи ва бошқалар.

Мамлакат иқтисодиётини таҳлил қилишни иқтисодий ўсиш моделлар иорқали амалга ошириш самарали ҳисобланади. Масалан, иқтисодий ўсиш орқалииқтисодиётни таҳлил қилиш ва прогнозлаштириш, мамлакатнинг капитал билан куролланганлик даражаси, истеъмолни максимал қондириш ва шу орқали жамғарма нормасини “олтин қоида” даражасида ушлаб туриш мамлакат иқтисодиёти самарадорлигини ошириш ва истиқболдаги режаларни тузишда ёрдам беради. Шу билан бирга, бошқа иқтисодий ўсиш моделларини ҳам иқтисодиётни таҳлил қилиш, баҳолаш ва прогнозлашда қўллаш мумкин. Иқтисодий ўсиш турли нуқтаи-назарлар орқали ўрганилиши сабабли, унингинтенсив ва экстенсив турларини ажратиб кўрсатиш мумкин (1-жадвал).

2-расм. Иқтисодий ўсиш турларининг тавсифи¹⁴

1-жадвал

Иқтисодий ўсиш турлари	
Экстенсив иқтисодий ўсиш	Интенсив иқтисодий ўсиш
Ишлаб чиқариш омиллари миқдорини аввалги техникавий даражани ўзгартирмасдан ошириш	Ишлаб чиқариш омиллари сифатини такомиллаштириш

¹⁴ Алляров С.Р. Systemal understanding the insight, tasks and factors of economic growth, Journal of Management Value & Ethics (A quarterly Publication of GMA), Oct.-Dec. 20 Vol. 10, No.04, pp 56-65, SJIF 7.201 & GIF 0.626, ISSN-2249-9512

Ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш самарадорлиги ошишининг йўқлиги	Ишчилар чиқариш омилларидан фойдаланиш самарадорлигининг ошиши
Ишчилар сонининг ошиши	Ишчилар малакасининг ошиши
Капитал қўйилмаларнинг ошиши	Тежамкорлик механизми
Ишлаётган хом-ашё ҳажмининг ошиши	Илмий-техник тараққиёт ютуқларидан фойдаланиш
Маҳсулотлар таркибий тузилишининг ўзгармаслиги	Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва унинг усулларини такомиллаштириш
Табиат ресурсларидан нооқилона фойдаланиш	Маҳсулотлар ассортиментини кенгайтириш васифатини ошириш
Иқтисодий инқирознинг муқаррарлиги	Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш

Экстенсив иқтисодий ўсиш табиий ресурслар, ишчи кучи ва капитал каби ишлаб чиқариш омилларини қўшимча жалб қилиш ва фақат уларнинг миқдорий ошиши ҳисобига рўй беради. Бунда уларнинг сифат ва техникавий даражаси ўзгармасдан қолади. Интенсив иқтисодий ўсиш эса илмий-техникавий базани такомиллаштириш ва барча ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиб меҳнат унумдорлигини ошириш орқали таъминланади. Интенсив йўл ишлаб чиқаришга жалб этилган ресурсларнинг ҳар бир бирлигидан олинган самара пировард маҳсулот миқдорининг ўсишида, маҳсулот сифатининг ошишида ўзифодасини топади¹⁵.

Бизнинг фикримизча, иқтисодий ўсиш омилларини таснифлашнинг юқорида келтирилган мезонларини қуйидагилар билан тўлдириш лозим. Биринчидан, иқтисодий ўсиш омилларини уларнинг иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатиши хусусиятига кўра тизимлаштириш. Ушбу ёндошувга асосан, иқтисодий ўсишни рағбатлантирувчи ва уни ушлаб турувчи, пасайтирувчи омиллар ўрганилади. Иккинчидан, иқтисодий ўсиш омиллари улардан фойдаланиш даражасига қараб, фойдаланилаётган, захирадаги ва потенциалтурларига туркумланади.

Иқтисодий ўсиш омиллари тизимини аниқлаш - иқтисодий ўсиш барча омилларининг иқтисодий ўсишга таъсирининг йўналишлари, хусусияти ватаъсир кўрсатиш даражасини ўрганишни талаб этувчи мураккаб жараёндир.

¹⁵ Валиев Б. “Иқтисодий ўсиш назариясининг концептуал ёндашувлари. Biznes-Эксперт, 2014 йил № 1-сон, 186.

Амалиётда иқтисодий ўсиш барча омилларини қамраб олувчи тизимни яратиш ҳам техник мураккабликлар туфайли, ҳам сезиларли даражадаги субъективизм мавжудлиги боис чеклангандир. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, маълум замон ва макон доирасида иқтисодий ўсиш омилларининг барчаси эмас, балки уларнинг айрим мажмуи таъсири сезиларли бўлади. Шу боисдан таҳлил жараёни иқтисодий ўсишга энг салмоқли таъсир кўрсатган омиллар мажмуи (иқтисодий ўсишнинг асосий омиллари) бўйича амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги замон шароитида Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ўсиш барқарорлиги қуйидагиларни талаб этади:

Биринчидан, аҳоли кенг қатламлари эҳтиёжини янада тўлароқ қондиришни ва ресурслардан янада самаралироқ фойдаланишни таъминловчи, иқтисодиёт секторлари ўртасидаги мақбул нисбатни кўзда тутувчи пропорционаллик.

Иккинчидан, атроф муҳит ҳолатини, ижтимоий муаммоларни ва халқаро алоқалар ҳолатини ҳисобга олиниши.

Ва ниҳоят, барқарор иқтисодий ўсиш бир томондан, уни таъминлашнинг заминларидан, бошқа томондан эса, бу соҳадаги чекловлардан келиб чиқали.

Қўйилган мақсадга эришилиши даражаси иқтисодий ўсиш омиллари тизимининг миқдорий ва сифат мезонлари самарадорлиги билан аниқланади.

Иқтисодий ўсиш омиллари тизимининг *миқдорий мезони* самарадорлиги сифатида ЯИМ барқарор ўсиш суръатларининг таъминланиши майдонга чиқиши мумкин.

Ўзбекистонда мамлакатни ўрта муддатли истиқболда янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва модернизация қилиш дастурини изчил амалга оширишни давом эттириш натижасида 2021 йилда иқтисодий ўсишнинг барқарор ва юқори суръатларини сақлаб қолиш ва макроиқтисодий мувозанат, аҳоли ҳаёт даражаси ва сифати ошиши таъминланмоқда. 2021 йил якунлари бўйича ялпи ички маҳсулот 7,4 фоиз ўсди. Саноат маҳсулоти ҳажмлари - 8,7 фоиз, қурилиш-пудрат ишлари - 6,8 фоиз, чакана савдо айланмаси - 12,0 фоиз, хизматлар - 19,2 фоиз ўсди.. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси таъминланди. Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади ва 9,6 фоизни ташкил этди¹⁶.

Жаҳон ҳамжамиятидаги эгаллаб турган иқтисодий мавқеини сақлаш ваяхшилаш стратегиясида, жумладан “Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга

¹⁶ Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. <https://stat.uz/uz/default/press-reizlar/7658-2021-yil>.

ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепцияси”да, турли ривожланиш сценарийлари ва халқаро рейтинг баҳоловчи агентликлар прогнозларига кўра, мамлакатимизда ЯИМнинг йиллик ўсиш суръатлари 6 % дан 7-8 % гача оширилиши лозимлиги таъкидланмоқда .

Иқтисодий ўсиш омиллари тизимининг *сифат мезони тавсифи* аҳоли турмуш шароитининг ўсиши, аҳоли ўртасида табақалашувнинг камайиши, ўртача умр кўриш давомийлигининг ошиши, атроф-муҳитнинг яхшиланиши, иқтисодиёт рақобатбардошлигининг ўсиши ва ҳ.к. ларда акс этади.

Эҳтиёжларнинг қондирилиши даражаси ва юқори самара олиш мақсадида мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш - иқтисодий ўсиш омиллари тизимини баҳолашнинг асосини ташкил этади. Миллий иқтисодиёт ўсиши омиллари тизимининг амалдаги ҳолатини баҳолаш шундай хулоса қилишга асос бўладики, Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ўсишнинг микдорий жиҳати таъминланмоқда. Эришилган иқтисодий ўсишнинг сифат тавсифи унитартаъминловчи омиллар тизими самарадорлигининг ҳали анча паст даражада эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон иқтисодиётини кенг қамровли модернизациялаш тадбирлари амалга оширилиши натижасида мамлакат ижтимоий-иқтисодий барқарорликка эришмоқда. Давлатнинг аниқ мақсадга йўналтирилган самарали иқтисодий сиёсати натижасида юқори натижалар қўлга киритилмоқда.

Макроиқтисодий барқарорлик ҳамда иқтисодиётнинг ички ва ташқи секторлари мутаносиблигини таъминлаш борасида:

- самарали бюджет-солиқ сиёсати натижасида сўнгги йилларда мамлакат бюджети профицит билан якунланмоқда;

- иқтисодиётни модернизациялаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш натижасида рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ваташқи савдо айланмаси ижобий сальдони ташкил этмоқда.

Ички омиллар ҳисобидан иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашборасида:

- мамлакатда иқтисодиётни модернизациялаш, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш натижасида сўнгги 10 йилда республикада ЯИМ ҳажми ўсиш суръати ўртача 6,1 %ни ташкил этмоқда;

- ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, маҳаллий ишлаб чиқаришни рағбатлантириш натижасида 2021 йилда умумий экспорт ҳажмининг 74,6 %и ни тайёр товарлар ташкил этди.

Иқтисодиёт тармоқларини диверсификациялаш ва кенг қамровли таркибий ислохотларни амалга ошириш борасида:

- мақсадли хорижий инвестицияларини жалб этиш, инвесторларга қулайликлар яратиш, мамлакатда инвестицион жозибадорликни ошириш орқали мамлакатда инвестициялар ҳажми ошиши натижасида ялпи маҳсулот таркибида саноат маҳсулотининг улуши ўтган йилга нисбатан 2021 йилда 8,7 % га ошди¹⁷;

- ўрта синфни ривожлантириш, иқтисодиётни диверсификациялаш, кичик бизнес ва тадбиркорларга имтиёз ва қулайликлар яратилиши натижасида 2021 йилда кичик бизнеснинг ЯИМ даги улуши 54,9 % ни ташкил этди.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР:

Мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор, жадал ва мутаносиб равишда ривожлантириш, асосий тармоқларни диверсификация қилиш ва экспорт салоҳиятини ўстиришга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, иқтисодиёт тармоқлари, комплекслари ва корхоналарини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш асосида уларнинг самарадорлиги ҳамда рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг устувор йўналишлари сифатида қуйидагиларни белгилаш мумкин:

- иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини ривожлантиришнинг аниқ, чуқур ва ҳар томонлама пухта ўйланган узоқ муддатли режаларини ишлаб чиқиш, шуасосда асосий тармоқларни диверсификация қилишга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш;

- жаҳон бозорида доимий харидоргир бўлган, қўшилган қиймат улуши юқори рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш, корхоналарни кенг миқёсда модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, уларни энг замонавий юқори технологик ускуналар билан жиҳозлаш;

- иқтисодиёт тармоқларида замонавий илмий ютуқлар ва илғор инновацион технологияларни жадал татбиқ этиш;

- корхоналарни мамлакатнинг барча минтақаларида жойлаштириш ва шу асосда импорт ўрнини босадиган маҳсулотларнинг ҳудудларда кенг ишлаб чиқарилишини таъминлаш;

¹⁷ Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. <https://stat.uz/uz/default/choraklik-natijalar/9388-2021#yanvar-dekabr>

- меҳнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини изчил пасайтириш, энергия ва ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни кенг жорий этиш;

- маҳаллий хом ашёни чуқур ва сифатли қайта ишлаш негизида экспорт салоҳиятининг барқарор ўсиб боришини, экспортга мўлжалланган рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва бошқалар.

Мазкур кўрсатиб ўтилган йўналишлар иқтисодий ўсишнинг “ажратиб олинган шарт-шароитлари” бўлмай, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирини тақозо этувчанлиги - барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида уларамалга ошишининг муҳим шартидир.

Ижтимоий-иқтисодий тизимлаштириш (услуг) қоидалари асосида *иқтисодий ўсишнинг мазмуни, вазифалари ва омилларини тизимли тушуниш ва тадқиқ этиш асосидаги умумлашган талқини унинг “доимий тарзда ўсиб боровчи ижтимоий эҳтиёжларни янада тўлиқроқ қондириш мақсадида иқтисодий ресурслардан янада самаралироқ фойдаланиш асосида тегишли давр мобайнида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва шароитларининг миқдорий ва сифат жиҳатидан ўзгаришларини ифода этувчи сиёсий-иқтисодий категория сифатидаги ифодаси”* эканлигини таъкидлашга имкон беради.

Мазкур талқин иқтисодий ўсишнинг ижтимоий эҳтиёжларнинг ўсиб бориши ва унинг қондирилиши даражаси ўртасидаги объектив иқтисодий зиддиятнинг кескинлашуви орқали ифодаланувчи табиатини тўлиқ ифодалайди.¹⁸ Иқтисодий ўсиш нафақат ишлаб чиқариш даражаси миқдорий кўрсаткичлари ўзгаришига, балки шу билан бирга ижтимоий ривожланиш даражаси кўрсаткичлари (иқтисодий ўсиш сифати)нинг ҳам ўзгаришига олиб келади: аҳоли моддий фаровонлигининг ўсиши; бўш вақтнинг кўпайиши; ижтимоий инфратузилма тармоқларнинг ривожланиши; инсон капиталига инвестицияларнинг ўсиши; аҳоли меҳнат шароитлари ва ҳаёти ҳавфсизлигини таъминлаш; ишсизлар ва меҳнатга лаёқатсиз аҳолини ижтимоий муҳофазалаш.

Иқтисодий ўсишнинг мазмуни, вазифалари ва омилларини тизимли тушуниш ва тадқиқ этиш уларга оид тушунчалар, муносабатлар, ҳоссалар ва хусусиятларнинг ўзаро боғлиқлигини очиб беришга ҳамда бу боғлиқликни мантиқан қурилган тизим кўринишида ифода этади. Ушбу масалада давлат томонидан иқтисодий ўсишни рағбатлантиришнинг самарали восита ва

¹⁸ Алляров С.Р. Целеориентированный подход к оценке эффективности фискальной политики, Biznes-Эксперт иқтисодий илмий-амалий ойлик нашр , 2020 йил № 4 (148)-сон

куролларидан фойдаланиш масалаларини ҳам комплекс тарзда тадқиқ этишундаги солиқ-бюджет амалиётига оид ҳоссалар ва қонуниятларни чуқурроқ, кенгроқ тушунишга ҳизмат қилади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонида илова//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Тошкент, 2017. – № 6 (766). – 33-б.
2. Хажиев, Б., Юсупов, Р., Шарипов, Қ., & Отабоев, Ф. (2020). GLOBAL IQTISODIY RIVOJLANISH. Архив научных исследований, 1(10). 2020 йил. https://scholar.google.com/scholar?cluster=7646407432718170493&hl=ru&as_sdt=2005&scioldt=0,5. 169 б.
3. Джамалов Х.Н. К вопросу методов оценки финансовой устойчивости малого бизнеса и её факторов//Ученый XXI века . 2020. № 3-2 (62), с.50-59.
4. Sten Thore, Ruzanna Tarverdyan, Measuring Sustainable Development Goals Performance, 2022 year may, Pages 5-22. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/B9780323902687000025>.
5. Otaboev F.O. A study on capital investments and economic growth of Uzbekistan // Asian Journal of Research in Business Economics and Management. ISSN: 2249-7307 Vol. 12, Issue 5, May 2022, pages 42-48. DOI: 10.5958/2249-7307.2022.00052.4.
6. Мануэль Альмодовар-Гонсалес, Антонио Фернандес-Портильо, Хуан Карлос Диас-Касеро Предпринимательская деятельность и экономический рост. Много страновой анализ // Европейское исследование по менеджменту и экономике бизнеса №26 (2020) с. 9–17 (<http://creativecommons.org/licenses/by-ncnd/4.0/>).
7. Некипелов А.Д. Фискальный выбор экономической стратегии//Свободная мысль-XXI. 2018. №9.с.56-69.
8. Плеханова А. Ф., Иванов А. А., Иванова Н. Д., Колесов К. И. Стратегические бизнес-процессы / Современные проблемы науки и образования. 2014. № 3. С. 349-355.
9. Валиев Б. «Иқтисодий ўсиш назариясининг концептуал ёндашувлари. Бизнес-Эксперт, 2014 йил № 1-сон, 18-б.
10. Горюнова Н. Н. Экономический рост как фактор экономического развития / Теория и практика общественного развития. 2013. № 7. С. 183-185.

11. Кисова А. Е., Ромащенко Т. Д. Концептуальная модель гуманизации экономического роста / Социально-экономические явления и процессы. 2011. №5-6 (27-28). С. 110-115.
12. Батраков А.А. Стимулирование экономического роста на основе бюджетно-налогового регулирования. Авт.дис.на соиск.уч.степ.к.э.н М.:2010.с.12.
13. Аллаяров С.Р. Systemal understanding the insight, tasks and factors of economic growth, Journal of Management Value & Ethics (A quarterly Publication of GMA), Oct.-Dec. 20 Vol. 10, No.04, pp 56-65, SJIF 7.201 & GIF 0.626, ISSN-2249-9512.
14. Мурадян О.В. Влияние государственной бюджетно-налоговой политики на экономический рост страны в условиях переходной экономики. Авт.дис.на соиск.уч.степ.к.э.н М.:2013.с.7.
15. Отабоев Ф.О. Механизм улучшения баланса между экономическим ростом и капитальными ресурсами. Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал.-№4-1 (88), 2022 й. – 237-239 б. <http://mamun.uz/uz/page/56>.
16. Давлат статистика кўмитаси маълумотлари. <https://stat.uz/uz/default/press-relizlar/7658-2021-yil>.
17. Давлат статистика кўмитаси маълумотлари. <https://stat.uz/uz/default/choraklik-natijalar/9388-2021#yanvar-dekabr>
18. Аллаяров С.Р. Целе ориентированный подход к оценке эффективности фискальной политики, Бизнес-Эксперт иқтисодий илмий-амалий ойлик нашр ,2020 йил № 4 (148)-сон.